

Ердаги барча нарса Унинг ризқи эмасми?



09:00 / 24.06.2019 3141

Шайх Муҳаммад Азийм Ҳаасалпурий ҳафизаҳуллоҳ айтадилар:

Ибн Қудома «Китабут-таввабийн»да ёзадилар:

«Бир шахс Ҳазрат Иброҳим бин Адҳам раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳузурларига келиб:» Эй, Абу Исҳоқ! Мен ўзимга ўзим жуда кўп зулм қилдим. Менга шундай гап айтингки, қалбга таъсир қилсин ва мен гуноҳлардан воз кечайин»,- деди.

Ҳазрат: «Агар сен беш нарсани қабул қилиб олсанг ва уларга қодир бўлсанг, у ҳолда сенга на бирор гуноҳ зарар етказа олади ва на бирор дунёвий лаззат сени ҳалок қила олади», дедилар. У: «Эй, Абу Исҳоқ! У беш нарса қайсилар?», деб сўради. Ҳазрат: «Агар сен Аллоҳ таъолога итоатсизлик қилмоқчи бўлсанг, у ҳолда Унинг ризқини ема», дедилар. У:

«Унда нима еяйин? Ердаги барча нарсалар айнан Унинг ризқи эмасми?», деди. Ҳазрат: «У ҳолда сен айтчи, ҳам Унинг ризқини есанг ва ҳам Унга итоатсизлик қилсанг, бу яхшими?» , дедилар. У: «Йўқ, яхши эмас», деб жавоб берди.

Энди, сиз иккинчи нарсани айтинг. Ҳазрат: «Агар сен Аллоҳ таъолога итоатсизлик қилмоқчи бўлсанг, у ҳолда Унинг бирор ерида яшама», дедилар. У: «Ахир, бу аввалгисидан ҳам қийинроқ нарсасу, машриқ ва мағриб ҳамда уларнинг орасидаги барча ер айнан Уники бўлса, у ҳолда мен қаерда яшай оламан?», деб жавоб берди. Ҳазрат: «Сен, ҳам Унинг ризқини есанг, ҳам айнан Унинг ерида яшасанг ва ҳам Унга итоатсизлик қилсанг, бу яхшими?», дедилар. У: «Учинчи гапни айтинг», деди. Ҳазрат: «Агар Унинг ризқини ейишинг ва Унинг ерида яшашингга қарамасдан, Унга итоатсизлик қилмоқчи бўлсанг, у ҳолда У кўрмайдиган шундай жойда қил», дедилар. У: «Иброҳим! Бу қандай мумкин. Ахир, У барча махфий ва ошкор нарсаларни билади. Ундан бирор инсон қандай яширина олади?», деди.

Ҳазрат: «Сен, ҳам Унинг ризқини есанг, ҳам Унинг ерида яшасанг ва ҳам гуноҳ қилганингда У кўриб турган бўлса, бу яхшими?», дедилар.

Энди, тўртинчи нарсани айтинг. Ҳазрат: «Қачонки, жонингни олиш учун ўлим фариштаси олдинга келса, сен чин тавба қилиб олайн ва бироз солиҳ амал қилиб олайн, менга бирозгина муҳлат бер десанг. У сенга муҳлат берадимми?», дедилар. У: «Асло йўқ», деб жавоб берди. Ҳазрат: «Сен ўлим фариштасини ортга суриб, тавба қилиб олишга қодир бўлмасанг ва келган ўлимни ортга суришнинг иложи йўқлигини билсанг, у ҳолда қандай нажот топиш мумкин?», дедилар.

У: «Бешинчи нарсани айтинг», деди. Ҳазрат: «Қиёмат куни дўзах фаришталари сени дўзахга олиб кетиш учун келганларида, сен улар билан кетишни инкор қила оласанми?», дедилар. У: «Йўқ, улар мени тарк қилмайдилар, менинг бирор узримни қабул қилмайдилар», деди.

Ҳазрат: «Ундоқ бўлса, қандай қилиб нажот топишни умид қиласан?», дедилар.

У: «Иброҳим! Бас, бу ваъз ва насиҳат мен учун кифоядир. Мен Аллоҳ таъолога чин тавба қиламан ва мағфират сўрайман», деди. Кейин у Ҳазратнинг суҳбат ва ҳамроҳликларини ихтиёр қилди. Қолган бутун умрини Ҳазрат билан бирга Аллоҳ таъолога ибодат ва риёзатда ўтказди.

Фақат ўлимгина уларни айирди.

Абдулқайюм Комил таржимаси